


Яширин солиҳ амал



13:30 / 02.08.2021 1922

Имом Заҳабий раҳимаҳуллоҳ дейдилар: «Ҳорун ар-Рашиднинг қўшинида йигирма минг мужоҳид аскар бор эди. Улар қўшин девонига ўз исмларини ёздирмас эди. Ҳатто Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмаслиги учун маошларини ҳам олишмасди».

«Сияру аъламун нубало» китобидан

Изоҳ: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Ким яширин солиҳ амал қилишга қодир бўлса қилсин».

Яширин солиҳ амал шундай ибодатки, уни қилганингни Аллоҳдан ўзга ҳеч ким кўрмайди. Уни сирлар фош бўладиган кун учун захира қилиб қўясан.

Жунайд роҳимаҳуллоҳ шундай деган эканлар: «Ихлос – Аллоҳ билан банда ўртасидаги шундай сирки, уни ёзай деса фаришта, бузай деса шайтон, мойил бўлай деса ҳавои нафс билмай қолади».

Наманган шаҳрининг Чорсу майдонида жойлашган Мулла Қирғиз мадрасаси ўтган асрнинг 1910-12 йиллар оралиғида мулла Қирғиз Машраббой ўғлининг маблағи ҳисобига қурилган. Набираларининг айтишича, мулла Қирғиз ҳазратлари мазкур мадрасани қуриб

битказганларидан сўнг ўша кўчадан юрмай қўйган эканлар. Сабабини сўрашганда эса «Унга кўзим тушиб қолса, қалбимда фахр, риё ва ужб туйғуси пайдо бўлиб, мадраса қурганлик савобидан маҳрум бўлиб қолишдан қўрқаман», деб жавоб берган эканлар.

Манба: arabic.uz